

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

АШИРБАЕВА ДИЛОРАМ РАВШАНОВНА

**КОРЕЙС ВА ЎЗБЕК ДИСКУРСИДА МУРОЖААТ
БИРЛИКЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ**

**10.00.06. – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик
ва таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

УЎК: 811.531+811.512.133:81'1
КБК: 81.2-5 (5Кор)+(5Узб)
А-93

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Аширбаева Дилорам Равшановна

Корейс ва ўзбек дискурсида мурожаат бирликларининг қиёсий
тадқиқи 3

Аширбаева Дилорам Равшановна

Сравнительное исследование единиц обращения в корейском и
узбекском дискурсе 26

Ashirbaeva Diloram Ravshanovna

Comparative Study of the Form of Addressing in the Korean and Uzbek
Discourse 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

АШИРБАЕВА ДИЛОРАМ РАВШАНОВНА

**КОРЕЙС ВА ЎЗБЕК ДИСКУРСИДА МУРОЖААТ
БИРЛИКЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ**

**10.00.06. – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Fil844 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.tsuos.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Усманова Шоира Рустамовна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Содиқов Қосимжон Позирович
филология фанлари доктори, профессор

Каланова Дилноза Тимуровна
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil/Tag.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг «___»_____ 2023 йил соат_____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: info@tsuos.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.М. Маннонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор

Р.А. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
котиби, филол.ф.д., доцент

Х.З.Алимова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар
раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги глобаллашув, интеграциялашув жараёнида турли маданиятлар дискурсини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, ушбу соҳадаги изланишларнинг долзарблиги маданиятлараро мулоқотда нутқий фаолиятнинг ўзига хос ўрнини аниқлаш, инсонларнинг ўзаро муносабатлари жараёнида муваффақиятли коммуникатив мақсадларга эришишга имкон яратиш билан белгиланади.

Дунё тилшунослигида дискурсининг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлган мурожаат бирликларининг қўлланилишида нутқ самарадорлигини таъминловчи омиллар, хусусан, коммуникантларнинг ижтимоий келиб чиқиши, ёши, жинси, эгаллаб турган лавозими, касби, шунингдек, мулоқотдошлар ўртасидаги поғонали муносабатлар, яқинлик ва қариндошлик, ҳамда ҳурмат категорияларининг ифодаланиши масалаларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Замонавий корейс ва ўзбек тилшунослигида ҳам мурожаат бирликларининг коммуникатив-функционал хусусиятлари, семантик-прагматик жиҳатлари, уларда эмоционал-экспрессивликнинг ифодаланиши борасида илмий ва амалий ишлар бажарилган, бироқ корейс ва ўзбек дискурсидаги мурожаат бирликлари қиёслаб ўрганилмаган. Мурожаат бирликларини маданиятлараро мулоқотда, халқаро алоқаларда, давлат раҳбарларининг расмий нутқида, умуман, кундалик ҳаётда, ижтимоий, сиёсий, маънавий, иқтисодий жараёнларда кўплаб учратиш мумкин. Бундай мурожаат бирликларини қиёсий ўрганиш натижасида корейс ва ўзбек халқларининг ўзига хос дунёқариши, менталитети ва миллий-маданий хусусиятларини аниқлаш имконияти туғилади. Пировардида корейс ва ўзбек халқлари ўртасидаги маданий ва маънавий, сиёсий ва иқтисодий алоқаларнинг самарали ривожланишига хизмат қилади. Шу боис корейс ва ўзбек тилларидаги мурожаат бирликларининг қиёсий тадқиқи долзарблик касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишнинг “1. Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий

ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тилшунослик фани тараққиётининг турли даврларида мурожаат бирликларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган. Дунё тилшунослигида мурожаат бирликларининг социолингвистик, психолингвистик ва коммуникатив-прагматик хусусиятлари тадқиқига қаратилган алоҳида ишлар мавжуд. Ғарб тилшунослигида бу муаммо инглиз, немис, славян тилларида¹, айниқса, рус тили мисолида алоҳида ўрганилган².

Корейс тилшунослигида мурожаат бирликларининг тадқиқи социолингвистик, коммуникатив-прагматик ҳамда корейс тили таълими нуқтаи назаридан амалга оширилган. Мурожаат бирликлари Пак Гап Су (박갑수), Хванг Бона Ёнг (황보나영), Ванг Хан Сок (왕한석), Канг Жу Ёнг (강주영) ҳамда Хванг Жук Рюн (황죽륜 Hwang J.-R.) сингари олимлар томонидан социолингвистик нуқтаи назардан тадқиқ этилган³. Пак Жонг Ун (박정운) корейс тилидаги мурожаат бирликларини инглиз тилидаги мурожаат бирликлари билан чоғиштириб, уларнинг коммуникатив-прагматик жиҳатларини ёритиб берган⁴. Ли Сон Хва (이선화), Парк Санг Чон (박상천), Жонг Хе Ёнг (전혜영), Ко Сонг Хван (고성환) каби корейс тилшуносларининг ишларида мурожаатлар корейс тилини ўқитишда таълим нуқтаи назаридан ўрганилган⁵. Шу билан бирга, маҳаллий корейс тилшуносларидан Н.Д. Ким ва Д.К. Аббасоваларнинг тадқиқотларида ҳам

¹ Brown R., Ford M. Address in American English // Journal of Abnormal and Social Psychology. 62. 1961. – P. 375-385; Poyton C. Terms of Address in Australian English // Australian English – St. Lucia. – P. 55-69; Slobin D.I., Miller S.H., Porter L.W. Forms of Address and Social Relations in a Business Organization // Journal of Personality and Social Psychology. 1968, № 8. – P. 289-293; Paulston Ch. B. Pronouns of Address in Swedish: Social class, Semantics and Changing System Текст. // Language In Society. – London, 1974. Vol. 5. №3. – P. 359-386; Stone G. Address in Slavic Languages. – SEER. 1977. Vol. 55, № 4. – P. 491-505; Wootton A. J. Children's use of address terms. Adult-child conversation. – New York, 1981. – P. 142-158.

² Гольдин В.Е. Обращение: теоретические проблемы. – Саратов, 1987; Рыжова Л.П. Обращение как компонент коммуникативного акта: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М.: ИРЯ им А.С.Пушкина, 1982; Полонский А.В. Категориальная и функциональная сущность адресатности (на материале русского языка в сопоставлении с польским): Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Орёл, 2000; Глаголева Н.М. Функционально-семантическое поле обращения в современном русском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Таганрог, 2004; Дорофеева А.В. Английское обращение в системе и в дискурсе: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тверь, 2005; Балакай А.А. Этикетные обращения: функционально-семантические и лексикографические аспекты: автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Новокузнецк, 2005; Глаголева Н.М. Функционально-семантическое поле обращения в современном русском языке: Дис. ... канд. филолог, наук. – М.: РГБ, 2005; Кожухова Л.В. Обращение как индикатор характера социальных и межличностных отношений: структурно-семантический и функциональный аспекты. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ставрополь, 2009.

³ 박갑수. 국어 호칭의 실상과 대책. 국어생활. 국립국어연구원. 1989; 황보나영. 현대 한국어의 사회언어학적 연구. 국어연구.서울. 1993; 박정운. 한국어 호칭어 체계.사회언어학. 한국사회언어학회 1997; 왕한석, 김희숙, 박정운, 김성철, चे시영, 김혜숙, 이정복. 한국 사회와 호칭어. 역락. 2005; 이선화.공공장소에서 한국어 호칭 연구. 연세대학교 석사논문. 2002; 강주영.방송언어의 호칭어 사용 양상 연구. 대구가톨릭대학교 석사학위논문. 2009; Hwang Juck-Ryoon. Role of sociolinguistics in foreign language education with reference to Korean and English terms of address and levels of deference. Doctoral dissertation, University of Texas at Austin. 1975. – P. 26.

⁴ 라바노예브 자블론.우즈베크어의 호칭어·지칭어 비교 연구. 중부대학교 인문산업대학원 한국어학과. 2019. 4 쪽.

⁵ 이선화.공공상황에서의 한국어 호칭어 연구, 연세대학교 대학원, 석사학위논문. 2002; 박상천. 한국어 호칭 교육 방안 연구. 경희대학교 석사학위논문. 2004; 전혜영.한국어 호칭어의 교육 내용과 과제, Korean 연구와 교육 (1호), 이화여자대학교 한국어문학연구소; 한글성서 번역에 나타난 호칭어; 고성환. 호격 구성의 기능과 화용적 특성 및 연결 제약. 한국어의미학회. 2005.

мурожаатнинг ундалма шаклида келиши ҳақидаги айрим маълумотларни учратиш мумкин⁶.

Ўзбек тилшунослигидаги дастлабки ишларда мурожаат ундалма сифатида ўрганилган. Хусусан, А. Сайфуллаевнинг тадқиқотида ундалманинг тавсифи, унинг лексик-семантик ва морфологик-синтактик жиҳатларига оид таҳлиллар берилган⁷. Мурожаатнинг ижтимоий моҳияти ҳақидаги фикрлар Х. Дониёров ва Б. Йўлдошевларнинг илмий ишларида кузатилади⁸. Ш. Искандарова ва С. Мўминовларнинг тадқиқотларида мурожаат бирликлари мулоқот одоби ва мулоқот хулқи сифатида ўрганилган⁹. З. Акбарова ундалма, вокатив гап, сўроқ ва буйруқ гапларни мурожаат шакли сифатида ўрганади, мурожаатларни экстралингвистик, психоллингвистик вазифаси каби масалаларга эътибор қаратади¹⁰. Н. Аҳмедованинг илмий ишида мурожаат бирликларининг мазмуний тузилиши, пропозиция, прессупозиция ҳамда коннотация масалалари тадқиқ этилган¹¹.

Корейс ва ўзбек тилларида мурожаат бирликларининг қиёсий тадқиқига оид айрим мақолалар ҳам эълон қилинган¹². Кўринадикки, бугунги кунда мурожаат бирликлари юзасидан назарий хулосалар берилган бўлса-да, корейс ва ўзбек тилларидаги мурожаат бирликлари коммуникатив-функционал, семантик-прагматик ҳамда эмоционал-экспрессив хусусиятлари жиҳатидан қиёсланиб, махсус тадқиқ этилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Тошкент давлат шарқшунослик университети илмий-тадқиқот режасининг “Шарқ мамлакатлари тилларини ўрганиш ва тилшуносликнинг назарий масалалари” ҳамда “Таржимашунослик, қиёсий тилшунослик ва лингвимаданиятшуносликнинг долзарб муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади корейс ва ўзбек тилларида мурожаат бирликларининг қўлланилишига таъсир кўрсатувчи омилларни, хусусан, мулоқотдошларнинг ижтимоий мавқеи, ёши, жинси, поғонали ва ўзаро яқинлик муносабатлари ҳамда қариндошлиги сингари устувор жиҳатларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

мурожаат бирликларининг дискурс оператори вазифасини кўрсатиш;

корейс ва ўзбек тилларидаги мурожаат бирликларининг коммуникатив-функционал хусусиятларини ёритиш;

⁶ Ким Н.Д. Типы предложений по коммуникативной целеустановке в современном корейском языке. Дисс...доктора филол. наук. – Ташкент, 2018; Аббасова Д.К. 우즈베크어-한국어 번역에 나타난 복합문의 특성 연구. 서울. 2021. (Ўзбек тилидан корейс тилига таржимада қўшма гапларни беришнинг ўзига хосликлари: Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. – Сеул, 2021).

⁷ Сайфуллаев А.Р. Ҳозирги ўзбек адабий тилида ундалма. – Тошкент: Фан, 1968.

⁸ Дониёров Х., Йўлдошев Б. Адабий тил ва бадиий стиль. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 190-204.

⁹ Искандарова Ш. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари: Филол.фанл. номз. ... дисс. – Тошкент, 1993; Мўминов С. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фанл. докт. ... дисс. – Тошкент, 2000.

¹⁰ Акбарова З.А. Ўзбек тилида мурожаат шакллари ва унинг лисоний тадқиқи. Филол. фан. номз... дис. –Тошкент, 2007.

¹¹ Аҳмедова Н.Ш. Ўзбек тилида мурожаат бирликларининг семантик-коннотатив тадқиқи. Филол. фан. номз... дис. – Тошкент, 2008. – Б. 6.

¹² Усманова Ш. Корейс ва туркий тилларда ундалмалар // Тилшуносликнинг долзарб масалалари. – Тошкент: “Университет”, 2004. – Б.74-77; Усманова Ш. Ўзбек ва корейс тилларида расмий мурожаат шакллари // Лингвист / Илмий мақолалар тўплами. Ш. – Тошкент, 2012. – Б. 162-166.

корейс ва ўзбек тилларидаги мурожаат бирликларининг нутқий-мавзуий гуруҳларга ажратиш;

корейс ва ўзбек тилларидаги мурожаат бирликларининг семантик-прагматик жиҳатларини очиб бериш;

корейс ва ўзбек тилларидаги мурожаат бирликларининг коннотатив маъноларини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида корейс ва ўзбек тиллари бадиий матнларидаги мурожаат бирликлари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини корейс ва ўзбек тилларида мурожаат бирликларининг коммуникатив-функционал, семантик-прагматик ҳамда эмоционал-экспрессив хусусиятлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тавсифлаш, таснифлаш, қиёсий, дискурсив ва семантик таҳлил усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

корейс ва ўзбек тилларидаги мурожаат бирликларининг нутқдаги номинатив 지명 [jimyeong], чорлаш 부름 [pureum], тавсифлаш 특징을 서술함 [teugjingeul seosulham], перлокутив 직접인용문 [jigjeob inyongmun], идентификатив 동일시함 [dongilsiham], эмотив 감동적인 [gamdongjeogin] ва регулятив 규제적 [gyujejeok] функциялари аниқланиб, уларнинг муайян коммуникатив вазифаларни бажаришга хизмат қилиши асосланган;

корейс ва ўзбек тилларидаги мурожаат бирликларининг нутқ вазияти ҳамда мулоқотдошларнинг ижтимоий мавқеи, ёши, жинси, яқинлилик ва поғонали муносабатлар даражаси, шунингдек, қариндошлигига кўра қўлланишидаги нутқ самарадорлигини таъминловчи принципиал хусусиятлари очиб берилган;

корейс ва ўзбек тилларидаги қариндош-уруғчилик, адресатнинг касб-кори ва лавозими ҳамда антропоним мурожаат бирликлари сингари нутқий мавзуларга ажратилиб, уларнинг турли нутқий вазиятларга кўра қўлланилишидаги этно-маданий жиҳатдан ўхшаш ва нутқда қўлланишига кўра фарқли жиҳатлари асосланган;

корейс ва ўзбек тилларидаги мурожаат бирликларида коннотатив маънонинг ифодаланиши ва уларнинг ҳар икки халқнинг ўзига хос дунёқариши, менталитети ва миллий-маданий хусусиятлари билан боғлиқ эканлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

диссертация натижалари корейс ва ўзбек халқлари ўртасида ижтимоий-маданий алоқаларнинг ривожланишига ҳисса бўлиб қўшилган;

корейс ва ўзбек дискурсидаги мурожаат бирликларининг қиёсий тадқиқи орқали мазкур халқлар дунёқаришининг ўзига хос ва ўхшаш жиҳатлари ҳақида муайян хулосаларга келинган;

тадқиқотда чиқарилган илмий-назарий хулосаларнинг коммуникатив тилшунослик, маданиятлараро мулоқот, қиёсий тилшунослик ҳамда прагмалингвистика соҳасида қўлланма ва дарсликлар яратиш, изоҳли ва икки тилли луғатлар тузиш, шунингдек, корейс тили таълимининг барча босқичлари учун манба бўлиб хизмат қилиши асосланган;

мурожаат бирликларининг дискурсида воқеланишига таъсир этувчи корейс ва ўзбек мулоқот маданиятининг устувор кўрсаткичлари аниқланиб, ҳар иккала халқнинг нутқий мулоқотини янада чуқурроқ таҳлил этишга замин яратиши далилланган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда замонавий тилшуносликка мувофиқ ёндашувлардан фойдаланилгани, мурожаат бирликларининг тадқиқи масаласи бўйича муаммонинг аниқ қўйилганлиги, тўпланган материаллар таҳлили орқали асосли илмий хулосалар чиқарилганлиги, манбаларнинг тадқиқот предметига мувофиқлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти корейс ва ўзбек тилларидаги мурожаат бирликларининг коммуникатив-функционал ҳамда семантик-прагматик хусусиятларига доир мавжуд назарий қарашларни янги илмий-назарий маълумотлар билан бойитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти “Асосий Шарқ тили (корейс тили)”, “Корейс ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси”, “Бадиий таржима”, “Маданиятлараро мулоқот”, “Коммуникатив тилшунослик”, “Прагмалингвистика” фанларини ўқитиш, филология йўналиши бакалаврият ва магистратура босқичларида махсус курс ва семинарлар ташкил этиш, дарслик ва қўлланмалар яратиш, икки тилли луғатлар тузиш ҳамда таржимачиликда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Корейс ва ўзбек дискурсида мурожаат бирликларининг қиёсий тадқиқи олинган илмий натижалар ва хулосалар асосида:

корейс ва ўзбек тилларида мурожаат бирликларидан нутқий вазиятга кўра фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларидан олинган илмий хулосалар асосида мурожаат сўзларининг нутқий жараёнда поғонали қўлланилиши, мурожаатларнинг асимметрик қатори, уларнинг ҳурмат категориясига кўра таснифи билан боғлиқ материаллардан Тошкент давлат шарқшунослик университетининг А-1-180 “Таржима ва маданиятлараро мулоқот масалаларига оид ўқув қўлланмалари яратиш” мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Тошкент давлат шарқшунослик университетининг 2022 йил 18 майдаги 01-04-01/1086-сон маълумотномаси). Олинган натижалар татбиқи таржима ва маданиятлараро мулоқот масалаларига оид ўқув қўлланмаларда лингвомаданий бирликларни тавсифлашга ёрдам берган;

корейс ва ўзбек тилларидаги қариндош-уруғчилик, адресатнинг касб-кори ва лавозими ҳамда антропоним мурожаат бирликларининг умумий ва фарқли жиҳатлари ўзаро таққосланганда олинган назарий фикрлар асосида мурожаат бирликларининг қўлланиш доираси, поғонали муносабатларда мурожаатлардан фойдаланиш қонуниятлари, корейс ва ўзбек дискурсида мурожаат бирликларининг ўхшаш ва фарқли томонларини ёритишга бағишланган таҳлилий фикр ва назарий хулосалардан Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳузуридаги Корейс тили таълим марказида фойдаланилган (Корея

Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси хузуридаги Корейс тили таълим маркази 2022 йил 26 майдаги КЕС-22-105-сон маълумотномаси). Натижада ўқитувчиларнинг малака ошириш курсини тайёрлашда ҳамда корейс тилидан махсус маърузалар (특강) ва ўқув адабиётларини тайёрлашда хизмат қилган;

мурожаат бирликларининг муайян коммуникатив вазифаларни бажаришда нутқдаги турли функцияларни бажара олиши ҳамда дискурс оператори сифатида кела олиши акс этган илмий қарашлар асосида ўзбек тилидаги мурожаат бирликларининг таснифи, қўлланилиши, уларнинг ўхшаш ва фарқли хусусиятларига оид тадқиқот натижаларидан Хитой Халқ Республикаси Пекин Марказий миллатлар университети Академик тадқиқотлар бўлими лойиҳалари бўйича 10301 «Масофавий таълимни ташкиллаштириш ва ислоҳ қилиш» мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Хитой Халқ Республикаси Пекин Марказий миллатлар университети 2022 йил 8 июндаги 10301-202000205-сон маълумотномаси). Олинган натижалар Хитой Халқ Республикаси Пекин Марказий миллатлар университети (Minzu university of China)да ўзбек тили ва маданиятини ўқитиш ҳамда хитойликлар учун “Ўзбек тили” дарслиги тайёрлашда хизмат қилган;

корейс ва ўзбек тилларидаги мурожаат бирликларида коннотатив маънонинг ифодаланиши ва уларнинг ҳар икки халқнинг ўзига хос дунёқараши, менталитети ва миллий-маданий хусусиятларига боғлиқ эканлигини исботловчи илмий хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Oilaviy” телеканалининг “Foreign language” дастурини тайёрлашда самарали фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон телерадиоканали» ДУКнинг 2022 йил 12 майдаги 02-02-608-сон маълумотномаси). Тадқиқотдаги корейс ва ўзбек дискурсидаги мурожаат бирликларининг коммуникатив-функционал ҳамда семантик-прагматик хусусиятларига доир таҳлилий фикрлар ва назарий хулосалар эшиттиришнинг илмий далилларга бой ва оммабоп бўлишини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 8 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 22 та илмий иш нашр этилган. Шулардан, Scopus базасидаги мақолалар сони 1 та, Impact Factor таркибидаги нашрлар сони 2 та, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола шунингдек, 1 та хорижий ва 8 та халқаро ҳамда 5 та республика журналларида эълон қилинган мақолалардан иборат.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 146 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмда тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, илмий янгилиги, амалий натижаларига тавсиф берилган; олинган натижаларнинг назарий ҳамда амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқотнинг жорий қилиниши, натижаларнинг эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Корейс ва ўзбек тилларида мурожаат бирликларининг коммуникатив-функционал хусусиятлари**» деб номланиб, унда мурожаат бирликларининг дискурс оператори вазифасида келиши, мурожаат бирликларининг функционал структураси ҳамда уларнинг коммуникатив-прагматик аспектда ўрганилиши ҳақида маълумот берилган.

«Дискурс» замонавий тилшунослик ҳамда ижтимоий фанларда кенг қўлланиладиган тушунча бўлиб, уни турли аспект ва ёндашувлар асосида тадқиқ этиш мумкин. Дискурс ўзига хос қатор хусусиятларга эга бўлиб, улар орасида “оператор”, “маркер” тушунчалари алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур тушунчалар таркибига нутқга қўшимча мазмун берадиган, унинг бўёқдорлигини оширишга хизмат қиладиган, нутқдан кўзланаётган мақсадга эришиш учун фойдаланиладиган у ёки бу лексик қатлам, қўшимчалар, боғловчилар, хис-ҳаяжон сўзлар ва албатта, мурожаатлар киради. Маркер ва оператор тушунчалари доирасида, асосан, боғловчилар, қўшимчалар, кириш сўзлари, ахборот олиш ёки ахборот бериш мақсадида қўлланиладиган лексик бирликлар ўрганилган. Биз эса тадқиқотимизда мурожаат бирликларини дискурснинг оператори сифатида келишини таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Маълумки, адресат адресант томонидан қаратилган мурожаатга мос келувчи прагматик хулосалар тузиб, нутқнинг давомийлик стратегиясини тузишга тайёрланади. Нутқий акт назарияси муаллифлари томонидан нутқий актнинг локутив, иллокутив ва перлокутивлик сингари уч босқичи қайд этилган¹³. Бунини корейс тилидаги қуйидаги мисоллар воситасида кўришимиз мумкин:

– **엄마**, 내가 꼭 달리기 선수를 해야 할까? (최의선. 임춘애, 103) [**Eomma** , nega kkok talligi seonsuril haeya halkkayo?]

– **Ойи**, мен энгил атлетика бўйича спортчи бўлишим шартми?

왜 우리를 쫓아냈을까? 모두들 떠나고 싶어하지 않았는데. 안 그래, **오빠?** (최의선. 임춘애, 103) [Wae urireul jjochanaesseulkka? Modudeul tteonago sipeohaji anhasseunde. An geurae, **oppa?**]

– *Нега бизни ҳайдагандингиз? Ҳамма ҳам кетишни хоҳламаганди. Шундай эмасми, **ака?***

Юқоридаги мисолларда локутивлик *ойи* ва *ака* мурожаатларида, иллокутивлик эса *шартми?* *шундай эмасми?* каби саволлар орқали намоён бўлиб, адресатни жавоб беришга ундапти.

Энди ўзбек тилидаги мисолларга эътиборимизни қаратсак:

¹³ Звягинцева В.В. Обращение как оператор семейного дискурса 2010. <https://cyberleninka.ru/article/n/obraschenie-kak-operator-semeynogo-diskursa>.

– Нега мени чақиртирмадинг **болам**?

– **Музқаймоқ** егим келяпти, **дадаси**!

Келтирилган ҳар иккала мисол локутив акт сифатида ўзида маълум белгиларни мужассамлаштириб, гапларнинг объекти (болам, дадаси), предмети (чақиртирмак, музқаймоқ)га ишора қилади. Шу билан бирга, ўз истагини билдириб адресатдан жавоб олишни тақозо қилувчи иллокутив актни ҳам ўз ичига олади. Гаплардаги *болам* ва *дадаси* мурожаати ва айнан шу сўзга тушган урғу жумлада “илтимос” маъносини берувчи “майлими”, “мумкинми”, “рухсат берсангиз” каби вазифаларни ўтаган.

Мурожаат мулоқот жараёни иштирокчиларининг психологик ҳолати ва ижтимоий келиб чиқишига ҳам боғлиқ бўлади. Бу эса ўз навбатида мулоқот жараёнига таъсир қилувчи дискурсда мурожаатнинг роли нечоғлик муҳим эканлигини, бинобарин, унинг дискурс оператори эканлигидан далолат беради. Мурожаат бирликларини тўғри танлаш нутқий жараёни муваффақиятли ёки муваффақиятсиз амалга оширилишига олиб келади.

Тилнинг асосий функцияси ҳамда катор вазифалари маълум даражада мурожаат билан боғланади. Мурожаат бирликлари ҳам ўз навбатида бир нечта функцияларни бажаради.

Мурожаат бирликларининг вокатив функцияси. Вокативлик нутқ жараёнида мурожаатнинг асосий интенционал функцияси бўлиб, у мулоқотчиларнинг суҳбатга киришишини ва мулоқотни давом этишини таъминлайди. Масалан:

1. – **어머니, 안녕하세요?** 저희는 경진의 친구예요. (재미있는 우리 말, 29)
[Eomeoni, annyeonghaseyo? Jeohuineun Gyeongjinui chinguyeyo.]

– **Ассалому алайкум (келинойи)**, биз Кёнг Жиннинг дўстларимиз.

– **안녕 애들아.** [Annyeong aedeul-a.]

– **Салом** болалар.

2. – **Ассалому алайкум, дада...**

– **Ваалайкум ассалом**, – кулиб туриб алик олди отаси.

Юқорида корейс ва ўзбек тилларида берилган мисоллардаги мурожаат бирликларида нутқий этикетнинг дебочаси бўлган саломлашиш акс эттирилган бўлиб, унда суҳбатни бошлаш ва давом эттириш ҳолатлари намоён бўлган.

Мурожаат бирликларининг эмоционал-экспрессив (эмотив) функцияси адресантнинг эмоционал ҳолатини намоён қилиб, кўпинча норасмий мулоқотда қўлланилади:

“그 녀석 말투가, 어른들과.....” (이효석.메밀꽃 필 무렵. 77) [Geu **nyeoseog** maltuga, eoleundeulgwa.....]

– **Ҳа ярамас!** Катталар билан қандай гаплашяпсан?

– **Аҳмоқ! Эшиак!** – Абдували алам билан чийилади. – Булар ҳаммаси бир бўлиб сени ўлдирмоқчи, тушундингми? (Ў.Ҳошимов. Икки эшик ораси, 65)

Мисолларда адресатга нисбатан қаратилган **ярамас**, **аҳмоқ**, **эшиак** мурожаат бирликларида салбий муносабат англашилади.

Мурожаат бирликларининг нутқий одоб-ахлоқ функцияси. Бунда суҳбатдошларнинг танишлилик даражаси, ёш хусусиятлари ва ижтимоий мавқеи асосий кўрсаткич бўлиб хизмат қилади. Корейс халқининг узок тарихий, маданий ва ижтимоий жараёнларни ўз ичига олган нутқий одоб-ахлоқ қоидалари Конфуцийлик таълимотига асосланади. Нутқий одоб-ахлоқ стандартлари корейс халқининг менталитети ва миллий-маданий ўзига хос хусусиятларини ўзида намоён этади:

“**К** 씨는 그것을 완전히 모르셨습니까?” [Kssineun geugeos-eul wanjeonhi moleusyeosseubnikka?]

– **Жаноб К.** Ростини айтинг сиз бу ҳақда билармидингиз?

Мурожаат бирликларининг ижтимоий регламент (қоидалар, қонуният) функцияси ҳар икки тилда коммуникантларнинг ижтимоий мавқеи, ўзаро муносабати, ёши, жинси каби бир қатор омилларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Корейс тилида мазкур функция гонорифик мурожаатлар воситасида, яъни одоб-ахлоқ қоидалари доирасида амалга оширилади. Масалан, корейслар ўз отасига **아빠/아버지** [abba/aboji] (дада) деб мурожаат қилса, дўстининг отасига **아버님** [abonim] (ота) деб мурожаат қилиши одоб меъёри ҳисобланади. Ўзбек тилида эса ўз отасига *дада*, *ота* деб мурожаат қилса, дўстининг отасига *амаки* ёки *ака* деб мурожаат қилиш ҳоллари кузатилади.

Мурожаат бирликларини коммуникатив-прагматик аспектда ўрганилишига суҳбатдошнинг эътиборини жалб қилиш, ўзаро ҳурмат кўрсатиш, нутқ вазиятида коммуникантлар ўртасида яхши муҳит яратиш каби коммуникатив мақсадларга эришишнинг бир воситаси сифатида қараш мумкин.

Корейс ва ўзбек тилларидаги мурожаат бирликларининг коммуникатив-прагматик аспектдаги таҳлили шуни кўрсатдики, нутқий вазиятларда қариндош-уруғчиликка оид мурожатлар кўп учрайди. Улар коммуникантларнинг фақатгина қариндош эканлигидан далолатгина бериб қолмасдан, балки нотаниш кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат кўрсаткичи сифатида ҳам намоён бўлади.

Айтилганлар билан бирга, ўзбек дискурсида корейс мулоқотидан фарқли ўлароқ, ёш жиҳатдан кичик бўлган суҳбатдошга ёши катта сўзловчилар томонидан “тойчоғим”, “бўталоғим”, “арслоним”, “болам” каби мурожаат шакллари қўлланилади. Шунингдек, тингловчининг исмига “жон”, “хон” каби қўшимчалар қўшиб ҳам хитоб қилинади. Бундай ҳолатларда мурожаат шаклларида эркалатиш ва кичрайтириш оттенкалари юзага чиқиб, нутқнинг жозибадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Корейс ва ўзбек тилларида мурожаат бирликларининг семантик-прагматик жиҳатлари**” деб номланган бўлиб, унда мурожаат бирликларининг нутқий мавзуй гуруҳлари таҳлил этилган. Хусусан, корейс ва ўзбек тилларида қариндошларга қаратилган мурожаат бирликлари, адресатнинг касб-кори ва лавозими билан боғлиқ мурожаат бирликлари ва антропоним мурожаат бирликларининг турли нутқий вазиятларга кўра қўлланилиши ўрганилган.

Тадқиқот ишида корейс ва ўзбек тилларидаги қариндошларга қаратилган мурожаат бирликлари қуйидаги уч поғонали муносабатлар асосида таҳлилга тортилди:

- 1) турмуш ўртоқлар орасидаги муносабат;
- 2) ота-оналар ва фарзандлар орасидаги муносабат;
- 3) фарзандлар орасидаги муносабат.

Турмуш ўртоқлар орасидаги муносабат. Эр-хотин муносабатларида хитоб сўзларининг хилма-хиллиги жиҳатидан корейс тили дунёда энг бой тиллардан бири ҳисобланади. Шарқона тарбиянинг ўзига хос хусусияти, айниқса, эр-хотин ўртасида қўлланиладиган мурожаат бирликларида яққол намоён бўлади. Бинобарин, Кореяда эр-хотиннинг бир-бирини исми билан чақириши табу саналади. Шу боис эр-хотинлар бир-бирига *여보* [yeobo] яъни, ўзбек тилига таржима қилинганида *азизим/азизам* дея мурожаат қиладилар. Ушбу хитоб шакли икки сўздан, яъни, *여기에 보세요* [yeogie boseyo] дан келиб чикқан бўлиб, таржимаси “бу ерга қараб юборинг” дир. Бугунги кунга келиб, мазкур мурожаат қисқарган, яъни *여보* [yeobo] *азизим/азизам* шаклида фақат эр-хотинлар орасидагина қўлланилади. Қуйидаги мисолларга эътиборни қаратинг:

아내: *여보*, 저 부부는 행복해 보이네요. [Anaе: **Yeobo**, jeo bubuneun haengboghаe boineyo.] (박인옥, 최미애. 인생 2 막까지 멋지게 사는 기술 재미, 151)

Аёл: *Азизим*, анави жуфтлик бахтли кўринаркан.

Ўзбек тилида ҳам шунга ўхшаш мурожаатларни кузатиш мумкин:

– *Бир қошиқ қонимдан кечинг, азизим!* – *Сулҳида эрини қаттиқ бағрига босди.* (Б. Худойберганов. Лафз, 45)

Қайд этилганлар билан бирга, корейс эркаклари аёлига *여보* [yeobo], 부인 [bwin], 자기야 [jagiya], 마누라 [manura], 영감 [yeongam], 집사람 [jipsaram], 애기 엄마 [aegi eomma] деб хитоб қилсалар, аёллар турмуш ўртоғига нисбатан *여보* [yeobo], 오빠 [oppa], 서방님 [seobangnim], 애기 아빠 [aegi abba] каби мурожаатларни ишлатадилар.

Ҳар иккала тилда аёлларнинг турмуш ўртоқларига исм+ака кўринишида мурожаат қилишларига ҳам гувоҳ бўлиш мумкин. Янги келин эрининг исмига *obba* (ака) сўзини қўшиб (исм + *obba*) масалан, *Sonho-obba* (Sonho ака) деб чақирганида, худди ўзбек аёлларидек, эрини ҳурматлаган бўлади. Ёки эрининг исмига ‘-ssi’ ҳурмат кўрсаткичини қўшиб, масалан, (исм+ssi) *Sonho-ssi* деб хитоб қилади. Бироқ эрнинг хотинга нисбатан ‘-ssi’ ҳурмат кўрсаткичининг қўллаши ноёб ҳодисадир. ‘-ssi’ ҳурмат қўшимчасини ўзбек тилида ифодалаш қийин. Уни баъзи ҳолатларда ўрнига кўра ‘-жон’ ёхуд ‘-хон’ деб бериш мумкин. Хусусан, ўзбеклар хотинининг исмига ‘-хон’ қўшимчасини қўшиб, масалан, *Нодирахон* ёки *Лобархон* деб чақирганда, албатта, ҳурматни англатади¹⁴.

Фақат корейс мулоқот маданиятида ўзбеклардан фарқли ўлароқ, исм+ака кўринишидаги мурожаат кўпроқ эрнинг ёши хотиндан анча катта бўлганда

¹⁴ Усманова Ш. Корейс ва туркий тилларда ундалмалар // Тилшуносликнинг долзарб масалалари. – Тошкент: “Университет”, 2004. – Б. 76.

ишлатилади. Шунингдек, корейс ахлокий меъёрларига кўра, мазкур хитоб тарзидан бегоналар олдида фойдаланилмайди.

Оилада фарзанд туғилгач эр-хотин муносабатлари ўзгача тус олади. Уларнинг бир-бирига бўлган ҳурмати ортади. Бу ҳурмат катта фарзанднинг исмини қўшиб мурожаат қилиш орқали амалга оширилади. Жумладан, корейс тилида эр хотинига (фарзанднинг исми+엄마) 수미의 엄마 [Sumie eomma] *Сумининг онаси* = *онаси, ойиси*, аёли эса эрига (фарзанднинг исми+아빠) 수미의 아빠 [Sumie appa] *Сумининг отаси* = *дадаси*, ёки 애기 아빠 [egi appa] *боламнинг отаси* = *дадаси* деб мурожаат қилади.

Қадимги туркий халқларда кишиларнинг исмига ҳурмат билан муносабатда бўлиш шахснинг ўзига нисбатан ҳам ҳурмат-эҳтиром белгиси сифатида қабул қилинган. Бундай ҳурмат изҳор қилишнинг асосий йўли эса киши исмини айтиб чақирмасликдир. Шунга кўра туркий халқларнинг кўпчилигида ёшлар ўзидан катталарнинг, эр-хотинлар бир-бирининг исмини айтиш мумкин эмаслиги ҳақидаги расм-русумлар пайдо бўлган ¹⁵. Ёшлар катталарга қариндошлик терминлари билан, эр-хотинлар эса бир-бирига катта фарзандларининг исми ёки *онаси, отаси* каби сўзлар билан мурожаат қилган.

Мазкур хитоб шакллари ибтидоий даврлардан қолган табу қолдиғи бўлиб, у оилада эр-хотиндан кўра кўпроқ болаларнинг ота-она жуфтлигини, шериклигини, яъни болаларнинг қадрини, аҳамиятини намоён қилади.

Баъзи ўзбек оилаларида эркак аёлига катта қизининг исми билан, аёл эса эрига катта ўғлининг исми билан мурожаат қилади. Аёлига *онаси, ойиси, аяси*, эрига *отаси, дадаси, адаси* каби хитоблар воситасида мурожаат қиладиган кишилар ҳам бор:

1. “*Ойиси, бир ялтиз сомса қилсанг-чи!*” (А. Саид. Қария, 198)

2. Қани *дадаси, фотиҳа ўқиб юборинг, дея қўлларини жуфтлади*. (А.Саид. Қария, 35)

Ота-оналар ва фарзандлар орасидаги муносабат. Корейс тилида ота-онага нисбатан қўлланиладиган мурожаат сўзларини уч гуруҳга ажратиш мумкин: ўз ота-онасига, ўзгаларнинг ота-онасига ва марҳум ота-она ҳақидаги мурожаат бирликлари. Корейслар ўз ота-онасига нисбатан 아버지 [abeoji] *дада* ва 어머니 [eomeoni] *ойи* деб мурожаат қилишади. Ушбу мурожаатларнинг муқобил варианты бўлган 아버님 [abeonim] *ота(жон), дада(жон)* ва 어머니님 [eomeonim] *она(жон), ойи(жон)* шаклини эса, асосан, турмуш ўртоғининг ота-онасига, яъни қайнона ёки қайнотага, шунингдек, яқин дўстининг ота-онасига нисбатан ишлатиш мумкин.

“아버님, 어머니. 며느리가 이만 집을 떠나겠습니다.” (마농. 며느리 일기, 2) [Abeonim, eomeonim. Myeoneuliga iman jib-eul tteonagesseubnida.]

“*Дадажон, ойижон. Келинингиз (мен) энди уйдан кетади (кетаман).*”

Ўзбек тилининг Тошкент шаевасида ҳам келинлар нутқида қайнона ёки қайнотага нисбатан *ойижон* ёки *адажон* мурожаатларидан кенг фойдаланилади.

¹⁵ Бегматов Э. Номлар ва одамлар. – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 25.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, қадимда корейслар отага нисбатан 가친 [kachin], марҳум отага нисбатан 선친 [seonchin], онага нисбатан 자친 [jachin] марҳум онага нисбатан эса 모친 [mochin] мурожаат бирликларидан фойдаланганлар. Ўзбек тилида эса марҳумларга нисбатан қўлланиладиган махсус мурожаат шакли мавжуд эмас. Бироқ марҳумлар ёдга олинганда, уларнинг исмлари олдидан *раҳматлик* сўзи ишлатилади.

Корейс тилида буви ва бувага нисбатан қўлланиладиган мурожаатлар ўзбек тилига нисбатан фарқланади. Бинобарин, буви ва буванинг ота ва она томондан эканлигига қараб алоҳида атовлар қўлланилади. Ота томондан бувига – 할머니 [halmeoni], бобо, бувага – 할아버지 [harabeoji], она томондан бувига – 외할머니 [wihalmeoni], бувага эса – 외할아버지 [wiharabeoji] деб мурожаат қилинади.

Кўринадики, ўзбек тилида онанинг онаси // отанинг онаси, онанинг отаси // отанинг отаси каби тушунчалар мавжуд бўлса-да, уларни ифодалаш учун фақат икки сўз: *буви* ва *бувадан* фойдаланилади. Корейс тилида эса бу тушунчаларнинг ҳар бири алоҳида сўзлар воситасида ифодаланади. Мазкур сўзлар ўзбек тилида лакуналарни юзага чиқаради. Шу билан бирга, ўзбек тилида бувиларга *момо*, *буви*, *катта ойи* деб, буваларга эса *бобо*, *бува*, *катта дада*, *опоқдада* дея мурожаат этиш ҳоллари ҳам кузатилади.

Фарзандлар орасидаги муносабат. Корейс оиласида ака ва опаларни исми билан чақириш қатъиян ман қилинган. Кези келганда, корейс дискурсининг ўзига хос гендер тафовутларини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Корейс аёлларининг нутқида 오빠 [oppa] *ака*, 언니 [eonni] *она*, корейс эркакларининг нутқида 형 [hyeong] *ака*, 누나 [nuna] *она* сингари мурожаат шакллари фарқланади. Ўзбек тилида эса қизлар ҳам, ўғил болалар ҳам *она*, *ака* мурожаатларидан айнан бир хилда фойдаланишади.

Юқорида қайд этилганлардан ташқари, корейс ва ўзбек тилларида, қариндош бўлмаган, бегона шахсларга нисбатан қариндошлик терминлари билан хитоб қилинадиган алоҳида мурожаат қатлами ҳам мавжуд. Қариндошлик терминлари нотаниш кишиларга нисбатан қўлланилганда мулоқотчилар орасида ўзаро яқинлик, самимийлик юзага чиқади.

Фикр алмашиш давомида сўзловчининг тингловчига унинг касб-хунари, амал-мансаби, унвони кабилар билан мурожаат қилиши, умуман, инсоннинг касб-хунари, амал-мансаби, бажараётган вазифасига ишора қилувчи мурожаат бирликлари тилшуносликда идентификатив (айни ўхшатиш, тенглаштириш) номинация деб юритилади¹⁶.

Ўзбек тилида касб ва унвон сўзлари кўп ҳолларда фамилия ва исмлар билан бирга (фамилия+унвон) қўлланилади. Корейс тилида 성+직 함+님 [seong+jikham+nim] фамилия+унвон+ним хитоби ҳурматнинг юқори даражасига ишора қилади.

¹⁶ Ле В.Н. Виды характеристики адресата в форме русского обращения: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Воронеж, 1989. – С. 23.

Корейс тилида лавозим билан боғлиқ мурожаатларни сўзловчи ва тингловчи орасидаги муносабат ҳамда эгаллаб турган лавозимидан келиб чиқиб, қуйидаги қолиплар асосида шакллантириш мумкин¹⁷:

1) 성+직함+(님) [seong+jikham+(nim)]

фамилия+лавозим/унвон+ним (хурмат кўрсаткичи);

2) 직함+님 [jikham+nim]

лавозим/унвон+ним (хурмат кўрсаткичи);

3) 성+이름+직함+(님) [seong + ireum + jikham + (nim)]

фамилия + исм + лавозим / унвон + ним (хурмат кўрсаткичи);

4) 성 + 이름 + (-님, -씨, -군/양) [seong + ireum + (-nim,-shi,-gun/yang)]

фамилия + исм + (-nim, -shi, -gun/yang);

5) 외래어형 (Mr/Mrs+성) [oeraeeohyeong]

ўзлашмалар (жаноб / хоним + фамилия).

Улардан баъзиларига мисол келтирамиз:

박사님, 그렇다면 주변은 바이러스가 아닐 가능성이 있다는 건가요?”
이승연이 최인규 박사에게 물었다. (이재운. 그날이 오면, 139) [Paksanim, geureohdamyeon jubyeoneun baireoseuga anil ganeungseongi issdaneun geongayo?”
Lee Seung Yeoni Cho Ein Gyu paksaege mureossda.] **Профессор**, сиз атрофда вирус мавжуд эмаслиги эҳтимоли бор деяпсизми?” Ли Синг Ён профессор Чхве Ин Гюдан сўради.

Ўзбек тилида касб-хунар ва лавозим билан боғлиқ мурожаатларни қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

а) касб бирлиги билан мурожаат: “Касалимни даволаса бўладими, доктор?”

б) касб/лавозим бирлиги + қариндошлик терминлари: “доктор болам”, “шофёр ака”,

с) касб бирлиги + исм (исм/фамилия/отасининг исми): “Ханифа чевар”, “Ҳамшира Асророва”.

д) касб бирлиги + илтифот сўзи: “Жаноб Президент”, “Муҳтарам Президент жаноблари”.

Ўзбек тилида кишиларга касб-хунар ва лавозим билан боғлиқ мурожаат шаклларида кўра *исм-шариф* ёки *исм+ака/исм+она* кўринишида мурожаат қилиш кенг ёйилган. Корейс расмий мулоқотида ўзбек тилидан фарқли ўлароқ, *исм+ака/исм+она* қолипидан катъиян фойдаланилмайди.

Корейс тилида суҳбатдошга исм билан хитоб этилганда фамилия ва исм ёки фақат исм билан мурожаат қилинади. Исмий мурожаатларда “-ㅇ/-ㅁ” [-a/-я] чақирув келишигидан фойдаланиш ҳоллари кенг тарқалганлиги билан ажралиб туради. Масалан:

희성아, 나가 있어! (최의선. 임춘애, 145) [Hui Seong, naga isseo!]

Хэ Сонг, бу ерга чиқ!

Кўринадики, корейс тилидаги “-ㅇ/-ㅁ” [-a/-ya] чақирув келишиги ўзбек тилига таржима қилинмайди. Фақат баъзи ҳолларда вазиятдан келиб чиқиб “хой”

¹⁷ 전혜영. 한글성서 번역에 나타난 호칭어. 77 쪽.

деб таржима қилиш мумкин. Умуман, ўзбек тилида кишиларни чақиришда, эътиборини тортишда, асосан, “ҳой” чақирув сўзидан фойдаланилади:

– *Гулжаҳон опа, ҳой, Гулжаҳон опа!* - деган қўшни аёлнинг овози эшитилди. (Б. Худойбердиев. Лафз, 35)

Ўзбек тилида исм билан мурожаат этишда ҳам маълум меъёрлар мавжуд. Бинобарин, дўстона муносабатда фақат исм, ўта расмий ҳолатда ҳурмат маъносида исм ва отасининг исми қўлланади. Корейс тилида кишиларнинг исмига ота исми қўшилмайди. Шунингдек, корейс тилида ўзбек тилидан фарқли равишда исм ва фамилияларда жинс категориясининг мавжуд эмаслиги нутқда бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Корейс ва ўзбек тилларида исмий мурожаатларнинг умумий ва фарқли жиҳатларини қуйидаги жадвал асосида кўриш мумкин:

1- жадвал

Корейс ва ўзбек тилларида исмий мурожаатларнинг умумий ва фарқли жиҳатлари

	Корейс тилида	Ўзбек тилида
Умумий жиҳатлари	1. Исмдан сўнг “-ㅇ/-ㅁ” [-a/ya] чақирув келишиги қўшилади	1. Исмдан сўнг “-хон”, “-жон”, “-бек” каби эркалатиш-кичрайтириш қўшимчалари қўшилади.
	2. Исмий мурожаатлар «исм», “фамилия”, “фамилия+исм” каби кўринишларга эга	2. Исмий мурожаатларда “исм”, “фамилия”, “фамилия+исм” каби кўринишларни учратиш мумкин
Фарқли жиҳатлари	1. Корейс тилида «исм+фамилия», «исм» ларга ҳурматни билдирувчи “-씨” [-shi] қўшимчасини қўшиб мурожаат қилиш ҳолатлари мавжуд	1. “Исм+фамилия”, “исм” ларга ҳурматни билдирувчи қўшимча қўшиб мурожаат қилиш ҳолатлари мавжуд эмас
	2. Инглиз тилидан ўзлашаган “미스터/미스” мистер/мисс <i>жаноб/хоним</i> сўзларини фамилиядан олдин қўшиб, мурожаат сифатида фойдаланиш мумкин	2. Инглиз тилидан ўзлашган “미스터/미스” мистер/мисс <i>жаноб/хоним</i> сўзларини фамилиядан олдин қўшиб, мурожаат сифатида фойдаланилмайди
	3. “Исм+отасининг исми” каби мурожаат мавжуд эмас	3. “Исм+отасининг исми” каби мурожаат мавжуд бўлиб, асосан иш жойида бошлиқ ходимларга мурожаат қилишда фойдаланилади

Диссертациянинг учинчи боби “**Мурожаат бирликларида эмоционал-экспрессивликнинг ифодаланиши**” деб номланган. Унда мурожаатлар бирликларида эмоционаллик ва коннотацияларнинг ифодаланиши масаласи тадқиқ этилган.

Корейс тилшунослигида мурожаат бирликларининг эмотив функцияси деярли ўрганилмаган. Буни Же Хё Бонг (제효봉)нинг “Корейс тилида мурожаат бирликларининг эмотив функцияси ҳақидаги назария ҳалигача ишлаб чиқилмаганлиги”¹⁸ ни афсус билан қайд этишида ҳам кўришимиз мумкин. Шу маънода тадқиқот ишимизнинг мазкур бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилишига умид қиламиз.

Мурожаат бирликларининг номинатив, коммуникатив сингари энг муҳим функциялари қаторида эмотив функция ҳам етакчилик қилади. Маълумки,

¹⁸ 제효봉. 한국어 호칭어 교육 방안 연구. 서울대학교 국어교육연구소. 서울, 2010. 274 쪽.

мурожаат бирликлари суҳбатдошга бўлган субъектив баҳони ифодалашда ўзига хос индикатор вазифасини ўтайди. Адресант ва адресат мулоқот жараёнида нуткий вазият, эмоционал ҳолат ва ўзаро муносабатдан келиб чиқиб, нутқда салбий ёки ижобий мурожаат бирликларини танлайди. Айнан мана шу нуктада мурожаат бирликларининг эмотив функцияси юзага чиқади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, мурожаат бирликларининг эмотив функциясини қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. Нутқда турли лексик бирликлар ёрдамида экспрессивликни ҳосил қилиш мумкин. Корейс тилида:

“어, 이사람 취했군, 그만두세.”

